

А Ж Р И М

(қонуний кучга кирган суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилиш ҳақида)

Бўстон тумани**2023 йил 27 декабрь**

Бўстон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Абдухаликовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Тургуновнинг котиблигида, аризачи [REDACTED] [REDACTED]нинг жавобгар “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этиш ҳақидаги аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий иш бўйича суд бошқарувчиси [REDACTED]нинг суднинг 2023 йил 15 декабрдаги ажримини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризасини аризачи суд бошқарувчиси [REDACTED] (паспорт асосида) ва жавобгар корхона раҳбари [REDACTED] (паспорт асосида)ларнинг иштирокида Бўстон туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

[REDACTED] (бундан буён матнларда – “кредитор” деб юритилади) иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятини (бундан буён матнларда – “қарздор” деб юритилади) соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 7 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан кредиторнинг талаби қаноатлантирилиб, қарздор соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилиб, унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган. Қарздорнинг тугатиш бошқарувчиси этиб 3-тоифали суд бошқарувчиси [REDACTED] тайинланган.

Суднинг 2023 йил 15 декабрдаги ажрими билан тугатиш бошқарувчисининг якуний ҳисоботи тасдиқланган ва [REDACTED]нинг 2023 йил 18 декабрдаги 36776-сонли маълумотига асосан қарздор давлат реестридан чиқарилган.

Суд бошқарувчиси судга қонуний кучга кирган суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиб, суднинг 2023 йил 15 декабрдаги ажримини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб, бекор қилишни сўраган.

Кредитор суд мажлиси куни ва вақти ҳақида тегишли тартибда хабардор этилган бўлсада, унинг вакили суд мажлисига келмади. Шу сабабли суд ишни даъвогар вакилининг иштирокисиз кўришни лозим топди.



Суд бошқарувчиси суд мажлисида кўрсатма бериб, жамият фаолиятида бошқа корхоналардан бўлган дебитор ҳақдорликлари мавжудлиги аниқланганлигини билдириб, суднинг тугатишга доир иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриб ажримни бекор қилишни сўради.

Суд мажлисида қарздор жамият раҳбари кўрсатма бериб, “[REDACTED]” МЧЖ махсулот етказиб бериш шартномаси бўйича 4 931 609 847,43 сўм ҳақдорлиги мавжудлигини, ушбу суммани ундириш чоралари кўрилмаганлигини билдириб, жамият фаолиятини тиклашни сўради.

Суд, суд бошқарувчиси ва қарздор жамиятнинг кўрсатмаларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, аризани қаноатлантиришни, қонуний кучга кирган ажримни янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилишни лозим топади:

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, [REDACTED] [REDACTED] иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этишни сўраган.

Иқтисодий иши бўйича 2023 йил 15 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, жавобгар банкрот деб эътироф этилган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб 3-тоифали суд бошқарувчиси [REDACTED] жамият тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган бўлиб, тугатиш бошқарувчисининг 2022 йил 13 апрель кунги корхонанинг тугатиш жараёни бўйича якуний ҳисоботи суд томонидан кўриб чиқилиб, суднинг 2023 йил 15 декабрдаги ажрими билан тугатиш бошқарувчисининг якуний ҳисоботи тасдиқланган ва [REDACTED] [REDACTED]нинг 2023 йил 15 декабрдаги 3458-сонли маълумотига асосан қарздор давлат реестридан чиқарилган.

Бироқ тугатиш ишлари жараёнида жамият фаолиятида бошқа корхоналардан бўлган дебитор ҳақдорликни аниқлаш ва ундириш чоралари тўлиқ кўрилмаганлиги натижасида корхона давлат реестридан чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда “ИПК” деб юритилади) 327-моддасининг биринчи бандига кўра, суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар мавжудлиги қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин.

ИПК 333-моддасининг биринчи қисмига кўра, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан суд аризани қаноатлантириш ва илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилиш ҳақида ёки аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган тақдирда, илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилган суднинг ўзи ишни ушбу Кодексда белгиланган умумий тартибда кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг 2003 йил 25 июлдаги “Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда Иқтисодий процессуал қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича



суд амалиёти тўғрисида”ги 111-сонли Қарорининг 15-бандига кўра, шуни назарда тутиш лозимки, ИПК 333-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган тақдирда, илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилган суднинг ўзи ишни ИПКда белгиланган умумий тартибда кўради. Бундай ҳолатда ишни кўришда ИПКнинг тегишлича биринчи, апелляция ва кассация инстанциялари судида иш юритишни тартибга соладиган қоидалари қўлланилади.

Қайд этилган ҳолатларга кўра, иш бўйича 2023 йил 15 декабрдаги ажримни бекор қилишни лозим топади.

Шунингдек, суд тугатиш бошқарувчи [REDACTED] зиммасига “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 144-моддасида назарда тутилган тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш ва мажбуриятларни бажариш масъулиятини юклашни, қарздор “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятини давлат реестрига қайта тиклашни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 195, 327, 333-моддаларига асосланиб,

а ж р и м қ и л д и :

Бўстон туманлараро иқтисодий судининг 4-1703-2302/2033-сонли иш бўйича суднинг 2023 йил 15 декабрдаги қонуний кучга кирган ажримини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза қаноатлантирилсин.

Иш бўйича Бўстон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 15 декабрдаги ажрими бекор қилинсин.

Тугатиш бошқарувчиси [REDACTED]нинг қарздорни тугатишга доир иш бўйича якуний ҳисоботи асосиз деб топилиб, тугатишга доир иш юритишни тамомлаш рад этилсин.

Тугатиш бошқарувчи [REDACTED] зиммасига “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 144-моддасида назарда тутилган тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш ва мажбуриятларни бажариш масъулияти юклансин.

Қарздор “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти давлат реестрига қайта тиклансин ва унинг ижросини таъминлаш [REDACTED] зиммасига юклансин.

Мазкур ажрим устидан шикоят келтирилиши мумкин.

Судья

Ш.Абдухаликов

